



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**КАФЕДРА: “Автомобилсозлик”**

**“Йуналишга кириши ”фанидан**

**МАВЗУ: АВТОМОБИЛНИНГ УМУМИЙ ТУЗИЛИШИ.**

# РЕФАРАТ

**Бажарди:**

*163-15-гурух талабаси*

*Комилов Н.*

**Кабул килди:**

*Тешабоев У.*

*Андижон 2016 й*

## **Автомобилнинг умумий тузилиши**

**Режа:**

- 1.Вазифасига кўра автомобилларнинг турлари.**
- 2.Автомобилларнинг белгиланиши (классларга бўлиниши)**
- 3.Автомобилнинг асосий қисмлари ва уларнинг вазифаси**

Замонавий автомобил жуда мураккаб машина булиб, у бир бирига боғлик холда маълум бир вазифани бажарувчи бир неча механизм ав қисмлардан ташкил топган. Купчилик автомобилларнинг умумий тузилиши схемаси, уларнинг механизм ва тизимларининг ишлаш принципи ва иш шароити бир бирига ухшаш. Шу сабабли автомобилнинг умумий тузилишини урганиш учун баъзи соддалаштиришлар киритамиз.

Умуман олганда автомобил деталлар, узеллар, механизмлар, агрегатлар ва тизимлар йигиндисидан иборат.

*Деталь* – механизм ва машиналарнинг йигиш операцияларисиз тайёрланган айрим-айрим қисмлари (масалан, болт, поршень бармоги, шестерня ва х.к.).

*Узел* – бир неча деталларнинг машинада маълум мустакил вазифани бажарувчи бирикмаси.

*Механизм* – харакатни маълум тартибда узатувчи ва узгартирувчи тузилма.


*Агрегат* – бир неча тузилмаларни бир бутун килиб бирлаштирган курилма.

*Тизим* – битта умумий вазифани бажарадиган қисмлар йигиндиси (масалан, таъминлаш тизими, мойлаш тизими ёки совитиш тизими ва х.к.).

Автомобил кнструктив хусусиятлари ва вазифаларидан катъий назар, асосий уч кисмдан иборат: кузов, двигатель ва шасси. Автомобил кузови юк ташиш ва пассажирларни жойлаштириш вазифасини бажаради.

Купчилик енгил автомобиль ва автобуслар кузовларининг каттик ва пухта ишланган асоси рама вазифасини утайди. Бундай кузовлар *кутарувчи кузов* деб аталади. Юк автомобилларининг кузов кисмида юк ташишга мулжалланган платформадан ташкари, хайдовчининг кабинаси хам булади, у двигателнинг оркасида (ГАЗ-53А, ЗИЛ-130) ёки двигателнинг устида (ГАЗ-66, МАЗ-500А, КамАЗ) жойлашади.

Автомобилнинг умумий тузилиши ва механизмларининг жойлашувини аник тасаввур килиш максадида, транспорт воситаси сифатида кенг таркалган икки укли , двигатели олдида жойлашган автомобилнинг содда тузилиши билан танишиб чикамиз.



1-двигател; 2-олд ўқ; 3-олд осма; 4-олд тормоз механизми; 5-олд ғилдирак; 6-илашиш муфтаси; 7-узатмалар қутиси; 8- кардан узатма; 9- асосий узатма; 10-дифференциал; 11-орқа ўқ; 12-орқа кўприк; 13- орқа тормоз механизми; 14-орқа ғилдирак; 15-рул чамбараги; 16-рул механизмни; 17- бўйлама тортқи; 18-рул трапецияси; 19-рама.


*Двигател* – автомобилнинг харакатланиши учун зарур булган механик энергия хосил килувчи манба булиб хизмат килади. Механик энергия эса двигателда ёнилги ёниши натижасида хосил буладиган химиявий энергиянинг иссилик энергиясига айланиши натижасида хосил булади. Двигателдан олинган механик энергия бир катор механизм ва агрегатлар оркали етакчи гилдиракларга етказиб берилади. Замонавий автомобилларда, асосан, поршенлички ёнув двигателлари урнатилади (карбюраторли ёки кисиш натижасида уз-узидан аллангаланувчи дизел двигателлари).



*Шасси* – автомобилнинг асоси булиб, уч гурух механизм ва тизимларни уз ичига олади. Куч узатмаси, юриш кисми ва бошқариш тизими.




*Куч узатмаси* двигатель валидан келаётган буровчи моментни узгаририлган холда етакчи гилдиракларга узатиб беради. Куч узатмасига куйидаги механизм керади: илашиш муфтаси, узатмалар кутиси, карданли узатма, асосий узатма, дифференциал ва ярим уклар. Илашиш муфтаси двигателни узатмалар кутисидан киска муддатга узиб куйишга, узатмаларни равон улашга ва автомобилни равон кузгатишга хизмат килади. Узатмалар кутиси двигател хосил килган буровчи момент катталигини ошириб карданли узатмага етказиб беради. Шу билан бирга двигателни киска еки узок муддатга куч узатма механизмларидан ажратиб куюди. Шунингдек, узатмалар кутиси автомобилнинг оркага юришини таъминлайди.



Двигатель, илашиш муфтаси ва узатмалар кутиси блок шаклида жойлашиб, уларнинг асосий уклари бир тугри чизикда етгани учун уларни *куч блоклари деб юритилади*.


Карданли узатма узатмалар кутисидан кейин жойлашган булиб, ундан олган буровчи моментни узгарувчан бурчак остида асосий узатмага етказиб беради. Асосий узатма, дифференциал ва ярим уклар орка куприкда жойлашган булиб, кардандан келаётган буровчи моментни етакчи гилдиракларга кучайтирган холда етказиб беради.

Юриш кисми (1-расм) автомобилнинг илгариlama харакатланишини таъминлайдиган аравадан ташкил топган. Унинг асоси булиб рама хизмат килади. Рамага эса автомобилнинг барча механизм ва тизимлари урнатилади, олдинги уқ 2 ва кетинги куприк 12 эса элептик рессора 3 лар ёрдамида рамага бириктирилади. Автомобил харакатланганда етакчи гилдирак 14 лардан харакат рессора ва рама оркали олдинги гилдиракларга узатилади. Рессора 3 эластик шинали гилдиракларнинг йул нотекисликларига уриниши натижасида хосил булган турткilarни юмшатиб, рама 19 га узатади. Амортизатор эса турткilarни юмшатишда хосил булган тебранишлари сундиради.



Бошкариш тизими автомобильни харакат йуналишини узгартириш, секинлаштириш ва тухтатиш учун хизмат килади. Бошкариш тизими иккита алоҳида тизимлардан: руль бошкармаси ва тормозлаш тизимидан иборат.

Руль бошкармаси рул чамбараги 15, руль механизми 16, буйлама тортки 17 ва ричаг 18 дан ташкил топган. Бу тизимда руль чамбарагининг буралиши натижасида, трапеция хосил килган тортки ва ричаглар ёрдамида, олдинги гилдираклар бурилади ва автомобиль уз харакат йуналишини узгариради.



Тормоз бошкармаси гилдираклар 5 ва 14 да хамда трансмиссияда жойлашган тормоз механизмлари билан унга келтирилган юритмалардан ташкил топган. Бу тизим автомобиль харакатини секинлатиш, тухтатиш ва тухтаб турган автомобильни силжишдан саклайди.

### **Асосий адабиётлар:**

1. X. Маматов, Автомобиллар, II- кисм. Тошкент «Узбекистон».1998. 5-14 бетлар.
2. Н.Вишняков и др. Автомобиль. Основы конструкции. Москва. Машиностроение. 1986. 5-11 бетлар.
3. X.Маматов, Ю.Т.Турдиев, Ш.Ш.Шомахмудов, М.О.Кодирхонов Автомобиллар. Конструкция ва назария асослари. Тошкент .«Укитувчи», 1982, 5-19 бетлар.
4. DAEWOO TICO. Руководство по ремонту и техническому обслуживанию. Бишкек. «Туркистан», 2000 й. 3-21 бетлар.
5. DAEWOO DAMAS. Руководство по ремонту и техническому обслуживанию. «Туркистан», 2000 й. 3-26 бетлар.
6. DAEWOO NEXIA. Руководство по ремонту и техническому обслуживанию. «Туркистан», 2000 й. 3-14 бетлар.
7. X.M.Маматов. Автомобиллар. (Автомобиллар конструкциясидан программалаштирилган укув кулланма). Тошкент, «Укитувчи», 1986, 15-22 бетлар.